

1920нчи йилнинг охирларидан бошлаб Самарканд матбуотида ҳукумат томонидан цензура (нозир) қўйилди. Ва ўшал кундан эътиборан «Меҳнатқашлар товуши» газетаси қисқинчилик остида қолди. Бир томондан, цензура: «Миллатчиликдан, диёнатдан гапирма! Ҳукумат тепасидагиларга тегма!» каби амр ва таълимотлар бериб, газетани маънавий жихатдан қисқертиди. Иккинчи томондан, оқча йўқлиги, қонун қаршилик ва ҳуруфчиларнинг маишати торлигидан қочарга мажбур бўлишлари газетанинг кундан-кун таназзулига сабаб бўла бошлади.

Бунинг устига, (1921нчи йил апрел - май ойларида) газетада «Сўз, қарор ва иш» сарлавхалик бир мақола босилиб, ҳукуматнинг баъзи шах ва хатолари танқид этилди. Шу чоқларда обқўм партияда рус ва мусулмон газеталарини йўлга қўйиш хусусида музоқара мажлиси бўлиб, унда Мурсалимов бизнинг газетамизнинг қамчиликларини санаб, ўшал танқидий мақоланинг мазмунини ҳам русчага таржима қилиб берди. Натижада ўзи «Меҳнатқашлар товуши»га сиёсий нозир тайин этилди. Обқўмнинг қарори билан газетанинг оти ўзгариб, «Қамбағаллар товуши» қўйилди. Гўё меҳнатқаш сўзи меншевикларнинг шиори эмиш. Болшевикларга бундай исмларни такаш муносиб эмас эмиш... Холбуки, ўшал чоғларда Масковда «Меҳнат» маъносида бўлгон «Труд» отлик русча газета чиқиб тура яна ҳар ерда чиқиб тургон газета, журнал ва рисоаларнинг бош томонида «Бирлашингиз, бутун дунё меҳнатқашлари» шиори ёзилиб қелар эди.

Ўртоқ Мурсалимов газетага ўтгандан кейин, бир ёқдан, ерлик мухаррирларни қиса бошлади. Бошқа ёқдан, ўзи истаганча мақолалар ёзиб, масъул мухаррирга кўрсатмасдан газетага ўтказа берди.

Бу ҳақда 215-сонлик «Кизил байрок»-да узунроқ ёзгонлигим учун бу ерда такрорини лозим кўрмайман.

Шунинг билан «Камбагаллар товуши» кундан-кун хар жихатдан кисилиб, факирлана берди. 1922нчи йилнинг бошларида обкўм партиянинг саркотиби ўрток Мавлонбеков газетага масъул мухаррир тайин этилди. Бу киши газетага энди ривож бераман, деб турган чогида ўзи Хўжандга камондировка бўлиб кетди. Унинг ўрнига вақтинча газетага ўрток Юсуф Алиев ўтди. Бу кишининг газета ишлари билан ошно эмаслиги ва ўзининг кувваи каламиясининг на даражада эканлиги маълум эди. Шунинг учун бу ўртокнинг уч-тўрт кунлик даврида ҳам газета дуруст йўлга кира олмади.

Ўрток Юсуф Алиев Тошкандга кетгач, унинг ўрнига обқўм партия томонидан ўрток З. Бурнашева қўйилди. Бу ўрток ҳам Мурсалимов тутган йўл билан бориб, ерлик мухаррирларни қисиб, уларни иш ташлашларига сабаб бўлди. Бу ҳолни қўриб обқўм партия ерлик зиёлилардан Т. Раҳмонберди ўглини газетага масъул мухаррир қилиб қўйди. Бу ўрток ўзи мухаррир бўлмаса ҳам, ерлик мухаррирларни чақириб газетани чиқармокчи бўлди. Лекин обқўм партия йўл бермади. Босмахона «Газетанинг қарзи тўланмагунча газетани бостирмайман» деди. Ўрток Раҳмонберди ўгли ҳаракат қилиб, у ёк-бу ёқдан бир оз окча топиб, зўрга икки-уч номер газета чиқара одди. Шунини ҳам ёзайинки, бу газета икки йилдан зиёда бир муддатдан бери вилоят фирка қўмитаси билан вилоят ижроия қўмитасининг ношири афқори бўлиб келган бўлса ҳам, шу икки катта ҳукумат муассасаси ўзининг расмий газетасини моддий ёқдан таъмин этолмади ёки таъмин этарга жиддийроқ ҳаракат қилмади. Йўқса, биргина газетани ҳар ёқдан юқори қўтариш, мукамал ва мунтазам суратда чиқариш ҳукумат қошида унча қийин бир иш эмас эди.

Самарканддаги расмий ҳукумат муассасалари ҳар вақт газета идорасига «ундай ёзма - бундай ёз, эълон ва буйруқларимизни тезроқ бостур», деб танбехот ва таълимот бериб, сензур устига сензурлик қилиб турардилар. Лекин газетанинг моддий ёқдан ва унинг очликда қолгон мухаррирларини маишат жихатидан таъмин этиш ишларини эсларига ҳам келтирмас эдилар. Ҳол бундай бўлгонда газета қандай тараккий этсун.

Уч йил давом этган форсийча «Шуълаи инқилоб» журнали ҳам қогоз ва окча йўқлик, ҳам тошбосма асбоби етишмаганлик сабабли 1921нчи йил охирида тўхталмокка мажбур бўлди. Йўқса, ул ҳам маънавий жихатдан ҳеч вақт торликда қолмагон эди.

Хулоса: Самаркандда бир газета ва журнални маънавий жихатдан идора қилурлик қуч бор эди, ҳозир ҳам бор. Фақат юқоридаги монетлар бундаги матбуотнинг танглигига, ҳатто ерлик мухаррирларнинг ҳам бир даража ишдан совунмоқларига сабаб бўлди.

Марказ (Тошканд)да бўлса иш бошқачадир. Самаркандни ҳеч вақт Тошкандга қиёс қилиб бўлмайди. Чунки Тошкандда моддий ва маънавий қуч қўп бўлгонлиги учун андаги матбуот доим мунтазам чиқиб турадир. Тошканд Туркистон жумҳуриятининг маркази бўлгани учун ҳукумат андаги матбуотни ҳар жихатдан таъмин этадир. Ҳатто сўнгги чокларда Тошканд матбуотида ишлайтургон мусулмон мухаррирларнинг вазибалари ва қалам ҳақлари ордирилгонлигини эшитдук. Бунинг устига, Тошкандда биздагидек сензурнинг қисими ҳам йўқдур. Шунинг учун Тошкандда матбуот кейинги чокларда бир даража тараккий этди ва этмақдадир.

«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 3 ноябрь

* * *

Мен бундан бурун бир муносабат билан «Кизил байрок» газетасида «Самаркандда матбуот ишлари» унвони билан бир макола ёзиб, унда Самарканд матбуотининг кечирган холларидан бир оз маълумот берган эдим. Бу дафъа моддий ва маънавий жихатдан тўлиқ йўсинда биринчи катла шахримизда чика бошлагон «Зарафшон» газетасида яна шу мавзуда бир оз ёзмокчи бўлдим.

Самаркандда феврал ўзгаришидан кейин бир марта Самарканд зиёлилари томонидан «Хуррият» газетаси чикарила бошлагон эди. Бу газета маънавий жихатдан ва моддий жихатдан таъмин этилмаган бўлса-да, халк томонидан суюб ўкилур эди. Чунки ул газета халкнинг ахволи рухиясига караб борар эди. Ул тўхталгонигача мингдан оз босилмагон эди. Ўктябр ўзгаришидан кейин «Хуррият» газетаси, бир ёкдан, ҳукуматнинг кисиши билан ўзининг хурриятини йўкота бошлади. Иккинчи ёкдан, моддий жихатдан ҳам огирликда колди. Шунинг учун тўхталурга мажбур бўлди. Унинг ўрнида ҳукумат томонидан «Мехнаткашлар товуши» газетаси чикарулди.

Бу газета расмий бир газета бўлгони учун табиий, бир ёкдан, ҳукуматнинг буйруқларини бостира ва халк билан ҳукуматни бир-бирига якинлаштурмок учун тиришар эди. Бошка ёкдан, халкнинг уйғонишини, инкилобдан фойдаланмогини ҳам ижтимоий жихатдан тузалмагини кўзда тутиб жиддий, хажвий ва танкидий маколалар ёзар эди. Бу жихатдан баъзи ҳукумат бошида тургон мансабпараст кишилар ёки мустамлакачи болшевикнамоларнинг саояти ва хужумига учраса ҳам, ул сензур йўклигиндан истифода этиб, ўзининг тутган маслакидан айрилмай турди. Ўшал вақтларда Тошкандда чикатургон «Иштирокиюн» газетасидан кўпроқ бизнинг «Мехнаткашлар товуши» суюлиб ўкилур эди. Чунки керак тил, шева ва керак маслак жихатидан бу икки газета орасида ҳейли айирма бор эди.

Бу газета бир неча ой (1918нчи йил охирлари ва 19нчи йил бошларида) ўшал вақтдаги матбуот мудираси Бродская деган мустамлакачи бир хотиннинг кисиши остида колгон бўлса ҳам, лекин «Миллий ишлар идораси»га ўтгандан сўнг анинг чангалидан кутулгон эди.

Бу газетанинг бир оз яхши давом килгон чоклари 1920нчи йил охирларигачадир. Бу муддатда когоз кахатлиги унча сезилмаса ҳам, лекин когоз учун баъзи рус миллатчилари мустамлакачилик йўлини тутар эдилар. Русча газетани доимо когоз ва бошка жихатлардан таъмин этиб келганлари холда мусулмон газетасига лозимича ахамият бермаслар эди. Бунинг учун эсимда колгон ёлғиз бир воқеани ёзиб ўтай, шояд ўқувчилар шунга қараб бу ҳақда ўзларича бир ҳукм чиқара олулар.

1919нчи йилда (ойи эсимда колмагон) Полиграфический отделнинг русча газетасига 250 пуд когоз берганлигини эшитиб, биз ҳам ёзиб, мусулмон газетаси учун когоз сўрадик. Мазкур идора бошлиги маълум бир рус бизга тахминан 70-80 пудгина когоз бермакчи бўлди. Биз бунга қўнмадик. Ул мундан ортик бермади. Биз ўшал вақтдаги «Мусулмон бюроси»га мурожаат қилиб воқеани аңлатдик. Бу ишга ани восита қиддик. Полиграф бўлса, бюромизнинг мурожаатини ҳам илтифотга олмади. Биз «Мусулмон бюроси»нинг зоҳиран қўз бўёв учунгина ташкил этилган нафсиз ва эътиборсиз бир идора эканлигини ўшал чоғда билиб олдик. Сўзнинг қисқаси, охири умидсизланиб 125 пуд когозга рози бўлдик. Қабул этмади-да, талош-тортишимизга қарши: «Сиз мусулмонлар ҳам ҳар вақт ўзингиз когоз фабрики очиб, когоз чиқарсангиз, сўнгра тилаганингизча когоз ола билурсиз», деб жавоб берди. Биз ҳам бу тўғрида сўз узайтиришнинг фойдасизлигини билиб 70 пудгина когозга қаноатландик. Мана, мустамлакачиларнинг бизга қарши қилгон муомалаларидан бир мисол!..

1918-19нчи йилларда «Меҳнатқашлар товуши» ўч мингдан зиёда, икки мингдан оз босилмади. Ва аксарият ила ҳафтада икки даъфадан қам қилмади. Газетада ишлагувчи муҳаррир ва таржимонлар ҳам 19нчи йилнинг охирларигача ойлиқдан бошқа қалам ҳақи олмадилар. Тўғриси, таҳрир ҳақи олмоққа ҳақларини борлигини ҳам билмадилар. Олатургон вазифалари лоақал бир ҳафталик маишатларини таъмин этмаса ҳам, лекин қитоб ва бошқа нарсаларини сотиб ёб, хидматларини давом эттурдилар. Бу йўлда масоҳала этмадилар.

Газетанинг мунтазам қилмай оқсаб қолишига яна бир неча сабаб бор эдиким, бири ҳуруф, иккинчиси ҳуруфчин (наборшиқ) масаласидир. Босмаҳонада тўрт бетлик газетага етарлиқ миқдорда мусулмоний ҳуруф йўқ эди. Бори ҳам аксар вақт ҳукумат сипоришларига ишлатилиб, газетанинг тартибли қилишига монеъ бўлур эди. Ҳуруфчинларга қелсак, булар ҳам табиий, маишат балосига гирифтор эдилар. Олатургон ойлиқлари лоақал жой ватанларини таъмин этмаганлиги учун бу бечоралар ҳам ишдан қочар эдилар. Биз аларни ахтариб топиб, ҳукуматнинг қучи билан зўрга ишлатар эдик. Бу ҳам албатта газетанинг давомига сакта берар эди.

Хуруф учун бу муддатда неча мартаба марказ (Тошканд)гача мурожаат килгон бўлсак ҳам натижасиз колди. Курук ваъда ва сучук сўзлардин бошка фойда кўрмадик.

Мана, Самаркандда «Мехнаткашлар товуши»нинг 18- 19- 20-йилларда кечирган умрлари. Газетанинг 21-22-йилларда ўтказган холларини келаси маколада ёзсам керак. Шунини ҳам билмак керакким, мен бу сўзларни «Сўнгги вақтларда Самаркандда нима учун матбуот таназзул кидди, аммо Тошкандда тараккий килаётибдур?» деган саволнинг жавоби учун мукаддима тарикасида ёздим. Бу тараккий ва таназзулнинг туб сабаблари газетанинг келаси сонларида ёзилур.

«Зарафшон» газетаси, 1923 йи, 27 октябрь